



105. ТЕХНИК ФОЙДАЛАНИШ ВА ХЎЖАЛИК БЎЛИМИ ПАСПОРТИСТКАСИНING ЛАВОЗИМ ВАЗИФАЛАРИ:

- Филиалда тахсил олаётган ва талабалар турар жойида яшаётган талабаларнинг паспортларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги ПФ-4262-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибларда Филиал талабалар турар жойи манзилига вақтинча қайд этиш ишларини ташкил қилиш ва амалга ошириш;
- Филиал талабалар турар жойи манзилига паспортлари қайд этилган талабалар рўyxатини шакллантириш, маълумотлар картотекасини юритиш, саклашни таъминлаш;
- Филиал талабалар турар жойи манзилига рўyxатга олинган талабаларнинг паспортларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги ПФ-4262-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибда юритилишини таъминлаш;
- Филиалда ўқишнинг 1-босқичида ҳисобга қўйилган талабалар 7-босқични тамомламагагунга қадар узрли сабабларсиз қайддан чиқармаслик;
- Ҳар ойнинг 20-қунида Андижон шаҳар 2-ички ишлар бўлимига белгиланган тартибда ҳисобот топшириш;
- Барча талабаларнинг паспортларини хорижга чиқиш ва кириш бўйича назоратини амалга ошириш;
- Ахборот коммуникация технологияларини пухта билиш;
- Филиал ички тартиб-қоидаларига риоя қилиш.

Билиши керак:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги ПФ-4262-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом ва ўз фаолиятига тааллуқли бошқа Низом, йуриқномалар ва меъёрий ҳужжатларни, Филиал ички тартиб-қоидаларини билиши.

Малака талаблари:

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, хушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси;
- Ўрта-маҳсус маълумотга эга бўлиши;
- Ўз соҳасига тегишли масалалар бўйича ахборот ва маълумотлардан хабардор бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

№	Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМҚТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
2131	Паспортист	4191	Т	Ўрта маҳсус маълумот	3240100